

O'zbekiston Respublikasi Fanlar akademiyasi
Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси



ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ

О'ЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЙОТИ

6 / 2015

МУНДАРИЖА

Тилшунослик

Б.Йўлдошев. Ўзбек фразеологияси мустақиллик йилларида.....	3
Н.Маҳкамов. Терминларни меъёрлаштириш муаммолари.....	10
Д.Худойберганова. Ономастик бирликларга лингвомаданий ёндашув хусусида.....	17
Ғ.Исмоилов. Оламнинг фразеологик манзарасида "инсон" концепти.....	22

Адабиётшунослик

И.Ҳаққул. Аносири арбаъа : моҳият ва шеърини талқин.....	30
Д.Ўраева. Қўрқитмачоқлар ва уларнинг ёзма адабиётдаги стилизацияси.....	35

Илмий ахборот

М.Отажонов. Мифопозитик талқин имкониятлари.....	41
Н.Қодирова. Шоҳбайтлар ва табдил.....	46
М.Шералиева. Бадий ифодада киноя.....	50
Қ.Йўлчиев. Абдулла Шер хоккулари.....	54
Ф.Ражабова. Закий қаҳрамонлар талқини.....	57
Н.Хўжаева. Ўзбек адабиёти намуналари ҳинд тилида.....	60
М.Фозилова. Усмон Азим ижодида "Алпомиш" дostonи мотивлари.....	64
Ф.Мусаева. Ўзбек тилида вариантлик.....	68
С.Қурбонова. Матн таҳлили ва прагматика.....	73
Г.Жуманазарова. Халқ дostonлари тилидаги иборалар семантикаси.....	78
Ҳ.Бердиев. "Девону лутотит турк"даги ўтовсозлик атамалари.....	82
Ш.Норбоева. Касбий лексикага оид айрим сўзлар этимологияси.....	85
З.Ашурова. Қуддус Муҳаммадий шеърларида метафора.....	88
А.Йўлдошев. Оламнинг лисоний манзарасида идиоматик қўшма сўзлар.....	92
И.Азимова. Аграмматик афазияда айрим феъл замонларининг ифодаланиши.....	95

Фанимиз заҳматкашлари

Н.Маҳмудов, А.Мадвалиев, А.Мамажонов. Ғани Абдурахмонов.....	101
Т.Мирзаев. Собиржон Иброҳимов.....	106
Ҳ.Ҳомидий. Нажмиддин Комилов.....	110

Танқид. Тақриз. Библиография

И.Мирзаев. Семантикага оид тадқиқот.....	116
М.Қўчқорова, М.Пирназарова. Абдулла Қаҳҳор қиссаларининг янги нашри.....	117
М.Бердимуродова. "Эркин Аъзам бадий олами" тўплами ҳақида.....	121

Илмий ҳаёт

Т.Қўчқоров. "Ўзбек халқ ижоди ёдгорликлари" 100 жылдиги тақдироти.....	124
Э.Очилов. Фанимиз даргаларига бағишланган ҳужжатли фильмлар.....	126
Ё.Одилов. Тилшунослар анжумани.....	127

турлари Урта Осиё ҳудудида ўсишга мойиллиги туфайли уларнинг номлари ҳам хилама-хилаликни ташкил қилади. Улар орасида ИҚСларнинг ўзи бир қанча. Масалан: **Бешуруғ** – ўртапишар жайдари қовун нави. Ушбу ном бошқа қовун турларига нисбатан уруғи кам бўлганлиги учун берилган. **Босволди** – пўчоғи ва эти юмшоқ бўлганлиги ва эҳтиётсизлик билан босиб олинса, парчаланиб кетишини инобатга олиб шу ном берилган. **Бўриқалла** – шакли бўри қалласига ўхшаш бўлганлиги сабабли шундай аталган. **Давлатбой** – қовун турлари ичида энг эрта етилиши ҳамда деҳқонга биринчи даромад келтиргани учун мазкур ном берилган. **Жўрақанд** – номланишда қовуннинг эти қалин, йирик, ўртапишар нави бўлишига қарамай, ўта ширинлиги, яъни таъми инобатга олинган. **Обиновот** – пўсти сариқ ола, демак, новвотнинг рангига ўхшашлиги, оби – сув, яъни шарбат маъносини англаганини ҳисобга олиб номланган. **Қариқиз** – қовуннинг пишиб етилиш даври бошқа қовун турларига нисбатан кечроқ бўлганлиги сабабли шу ном билан аталган. **Қизилуруғ** – қовун уруғининг ранги инобатга олинган. **Қорақанд** – кечпишар қовунларнинг ранги тўқлиги ва таъми қанд таъмини берганлиги учун шундай номланган. **Қўйбош** – кўриниши қўйнинг бошини эслатгани учун шундай ном билан аталган. **Шакарпалак** – палаги ҳам ширинлиги инобатга олинган. **Ширинпўчоқ** – пўчоғи ҳам ширин таъмга эга бўлганлиги сабаб шу ном берилган.

Шундай қилиб, ИҚСларнинг юзага келиши инсон лисоний фаолиятида предметларнинг ўта нозик, айна пайтда батафсил акс эттиришга интилиш билан боғлиқ. Шу боисдан ИҚС инсон томонидан акс этадиган оламнинг лисоний манзарасида сезиларли ва муҳим ўрин эгаллайди.

РЕЗЮМЕ. Мақола олам лисоний манзарасининг яратилишида тил лугат бойлигида салмоқли ўрин эгаллаган идиоматик қўшма сўзларнинг ўрнини очиқ беришга қаратилган.

РЕЗЮМЕ. Статья посвящена раскрытию роль идиоматических сложных слов в создании языковой картины мира, которые занимают солидное место в словарном составе языка.

RESUME. This article is devoted to the description of the role of idiomatic compound words in the formation of linguistic picture of world, which occupies a significant place in the vocabulary of the language.

Таянч сўз ва иборалар: оламнинг лисоний манзараси, идиоматик қўшма сўзлар, миллий-маданий лакуна, лисоний лакуна.

Ключевые слова и выражения: языковая картина мира, идиоматические сложные слова, национально-культурная лакуна, языковая лакуна.

Key words and words expressions: linguistic picture of world, idiomatic compound words, national-cultural lacuna, language lacuna.

Ирода АЗИМОВА

АГРАММАТИК АФАЗИЯДА АЙРИМ ФЕЪЛ ЗАМОНЛАРИНИНГ ИФОДАЛАНИШИ

Афазик нутқдаги айрим хусусиятлар тилнинг ўзига хос жиҳатларига боғлиқ бўлади, аммо барча тиллар учун умумий бўлган лисоний бузилишлар ҳам учрайди. Вақтнинг ифодаланиши ана шундай лисоний ҳодисалардан биридир. Маълумки, кўп тилларда ҳаракатнинг бажарилган вақти феълдаги замон категорияси орқали ифодаланади. Нейролингвистик тадқиқотлар,

қандай тилда бўлишидан қатъи назар, аграмматик афазияга чалинганлар ўтган вақтга ишора қилишда бир хил қийинчиликка дуч келишини кўрсатади¹. Турли тиллардаги тажриба натижаларига асосан the *Past Discourse Linking Hypothesis* (PADILIH – ўтган замоннинг дискурс боғланиши гипотезаси) таклиф этилган². Мазкур гипотезага кўра, ҳозирги замонда феълни ифодалашда нутқ ва ҳаракат бир вақтнинг ўзида содир бўлади, шунинг учун у сўзловчидан қўшимча ақлий меҳнат талаб қилмайди ва бунда гапнинг синтактик боғланишини англашнинг ўзи етарли. Ўтган замон феълни ифодалашда эса нутқ ҳозир яратилапти, аммо у ифодалаган ҳаракат, масалан, кеча содир бўлган; бунда сўзловчи қўшимча боғланишни, яъни гап айтилаётган айни вақт ва ҳаракат содир бўлган вақт ўртасидаги боғланишни англай олиши керак. Бу эса оддий гап синтаксисидан мураккаброқ бўлган дискурс синтаксисини идрок этишни талаб қилади.

Дискурс синтаксиси турли даражадаги лисоний маълумотлар билан бирга экстралингвистик маълумотларни ҳам қамраб олгани учун уни идрок этиш аграмматик сўзловчилар учун қийинчилик тугдиради. Мазкур гипотезани ўзига хос феъл шакллариغا эга бўлган рус тилида текшириб кўриш яна ҳам қизиқарли хулосаларга олиб келган. О.Драгой ва Р.Бастиянси вақтга ишора қилиш масаласи тиллар учун универсал ҳодисами ёки тилнинг аспектун хусусиятларига тегишлими деган масалани аниқлаш учун икки тажриба ўтказишади³. Тажриба натижасида афазияга чалинган русийзабон кишилар ўтган замон тугалланган шакл (прошедшее время, совершенный вид) ҳамда ҳозирги замон давом шаклидаги (настоящее время, несовершенный вид) феълларни ифодалаш ва тушунишда яхши натижа кўрсатганлар ва, аксинча, ўтган замон давом шакл (прошедшее время, несовершенный вид) ва келаси замон тугалланган шаклидаги (будущее время, совершенный вид) феълларни ифодалаш ва тушунишда кўп хатога йўл қўйганлар. Рус тилида феъл аспекти лексик категория, замон эса синтактик категория ҳисобланади. Афазияга чалинган кишиларда турли лисоний даражалардаги маълумотларни уйғунлаштира олиш қийин кечадиган ҳодиса эканлиги тадқиқотларда исботланган⁴. Шундай экан, афазияга чалинган русийзабон кишилар лексик категория бўлган аспектни синтактик категория бўлган замон билан уйғунлаштира олмаганлар. Чунки улар ўзларига берилган вазифани бажаришда феълнинг замонидан келиб чиқиб ёндашганлар.

Маълумки, ўзбек тилида ҳам аспект грамматик категория сифатида мавжуд эмас, аммо ҳаракатнинг тугалланганлиги кўмакчи феълли сўз қўшилмаси [-(и)б бўлмоқ] ёрдамида ифодаланади. Шунингдек, ўзбек тилида ўтган замон давом шакли ҳам мавжуд [-(а)ётган эди]. Ўзбек тилидаги мазкур хусусият О.Драгой ва Р.Бастиянсиларнинг хулосаси қанчалар ҳақиқатга яқинлигини афазияга чалинган ўзбек тилида сўзлашувчи кишилар мисолида текшириб кўриш имконини беради.

¹ Bastiaanse R., Bamyaci E., Hsu C., Lee J., Yarbay Duman T., & Thompson C. K. (2011). Time reference in agrammatic aphasia: a cross-linguistic study. *Journal of Neurolinguistics*, 24, 652–673.

² Ўша манба.

³ Драгой О. and Bastiaanse R. (2013.) Aspects of time: Time reference and aspect production in Russian aphasic speakers. *Journal of Neurolinguistics* 26, 113–128.

⁴ Yarbay Duman T., Altınok N., Özgürlü N., & Bastiaanse R. (2011). Sentence comprehension in Turkish Broca's aphasia: an integration problem. *Aphasiology*, 25, 908–926.

Шу мақсадда биз афазияга чалинган ҳамда соғлом кишилар иштирокида тажриба ўтказдик. Тажриба учун феълнинг тўртта замон шакли танлаб олинди: ҳозирги замон давом шакли, ўтган замон давом шакли, ўтган замон тугалланган шакл ва келаси замон тугалланган шакл. Мазкур шакллари танлаб олишда биз ҳаракатнинг бажарилиш ҳолати ва феъл замонларининг ўзаро муносабатидан келиб чиқдик. Ҳозирги замон давом ва ўтган замон тугалланган шакллари замон ҳамда ҳаракатнинг бажарилиш ҳолати жиҳатидан мантқан бир-бирига мос бўлса, келаси замон тугалланган ва ўтган замон давом шакллари замон ва ҳаракатнинг бажарилиш ҳолати жиҳатидан мантқан бир-бирига зиддир.

Тажриба иштирокчилари. Тажрибада учта аграмматик афазияга чалинган ҳамда ўнта соғлом киши иштирок этди. Аграмматик афазияга чалинган иштирокчиларнинг иккитаси эркак, биттаси аёл бўлиб, уларнинг барчаси учун ўзбек тили она тили ҳисобланади. Улардаги нутқий патология инсультнинг асорати сифатида юзага келган. Иштирокчилар нутқни яхши тушунадилар ва уларнинг эшитиб тушуниш қобилиятлари махсус тест асосида текширилди.

Ўнта соғлом иштирокчининг еттитаси аёл ва учтаси эркак, улар учун ҳам ўзбек тили она тили ҳисобланади. Соғлом иштирокчиларнинг бирортасида ҳам аввал бош мия билан боғлиқ касалликлар кузатилмаган. Соғлом иштирокчиларнинг ёш, касб жиҳатидан афазияга чалинган иштирокчиларга яқин бўлишига эътибор қаратилди.

Тажриба материаллари. Тажриба учун расмий тест ишлаб чиқилди. Мазкур тест дастлаб нидерланд тили учун, кейинчалик инглиз, итальян, хитой, турк ва рус тиллари учун ҳам вариантлари ишлаб чиқилган "TART" тести асосида тайёрланди⁵. Тест учун битта объектни оладиган феъллар (масалан, *кийимни тахлади/дазмоллади, қозони йиртди/елимлади* каби) жуфт шаклда олинган бўлиб, феълларга мос расмлар танланган. Расм аграмматик афазияга чалинганлар учун зарур феълни фаоллаштиришда стимул сифатида ёрдам бериши кўзда тутилган. Танлаб олинган 11 жуфт феъл 4 хил замон шаклида тусланиб келади.

Аграмматик афазияда турли замон шакллариининг ифодаланишини таҳлил қилиш учун иштирокчиларга гапдаги бўш ўринни зарур феъл шакли (ҳозирги замон давом шакли, ўтган замон давом шакли, ўтган замон тугалланган шакл ва келаси замон тугалланган шакл) билан тўлдириш талаб қилинди. Ҳар бир феъл бутун тест давомида тўрт мартадан тўрт хил замонда келади. Тест тўртта намуна ва қирқта мисолдан иборат бўлиб, у бир хил феъл ва бир хил замон кетма-кет келмайдиган шаклда тузиб чиқилди.

Тажриба жараёни. Иштирокчиларга бир бетда иккита расм кўрсатилди. Расмларнинг тепасига расмда ифодаланган ҳаракатни билдирган феълнинг ўзаги ёзилган. Тест ўтказувчи (синовчи) киши биринчи расм учун гап айтади, иккинчи расмга тегишли гапнинг феългача бўлган қисмини айтади. Синалувчидан иккинчи расмда ифодаланган феълни биринчи гапдаги феълнинг тусланиш шаклида туслаб, гапни тўлдириши сўралди. Ҳар бир гап замон шаклига мос келувчи пайт равишлари билан бошланган. Масалан: "кеча" – ўтган замон давом феъли учун, "ҳозир" – ҳозирги замон давом феъли

⁵ Bastiaanse R., Jonkers R., & Thompson C. K. (2008). Test for Assessment of Reference of Time (TART). Groningen: University of Groningen.

учун, "кеча кечкурун" – ўтган замон тугалланган шакл учун, "эртага эрталаб" – келаси замон тугалланган шакл учун.

Асосий тестни бошлашдан аввал тўртта намуна асосида машқ қилиб олинди. Тажриба иштирокчиси айтган ҳар бир феъл синовчи томонидан махсус жавоблар варақасига қайд қилиб борди.

Баҳолаш. Тажриба иштирокчиларининг жавоблари тўғри жавоблар сони ҳамда йўл қўйилган хатолар жиҳатидан таҳлил қилинди. Тестнинг биринчи гапидаги феъл шакли билан бир хил шакл айтилганда жавоблар тўғри деб ҳисобланди. Бошқа замон шакли айтилганда, тусловчи морфемалар тушириб қолдирилганда ёки алмаштирилганда хато ҳисобланди.

Тажриба натижалари. Тажрибанинг соғлом иштирокчилари умумий ҳисобда 99,2% тўғри жавоб бердилар. Фақат иккитагина иштирокчи ўтган замон давом феълга оид 3 та мисолда адашган. Бу хатоларнинг барчаси тестнинг бошидаги мисолларга тегишли бўлганлиги учун уларни иштирокчиларнинг диққати етарлича жамланмаганидан деб баҳолаш мумкин. Соғлом иштирокчиларнинг жавобларидаги юқори натижалар тест ўзбек тилида сўзлашувчилар учун мос равишда тузилганлигига далилдир.

Аграмматик афазияга чалинган иштирокчиларнинг кўрсаткичлари соғлом иштирокчиларникидан кескин фарқ қилди; уларнинг тўғри жавоблари миқдори 51 фоизни ташкил этди. Қуйидаги жадвалда аграмматик иштирокчиларнинг ҳар бир замон бўйича берган тўғри жавоблари сони акс эттирилган.

1-жадвал. Аграмматик афазияга чалинган иштирокчиларнинг тестдаги кўрсаткичлари.

№	Афазияга чалинган иштирокчилар	1 ҲозД	2 ЎтТ	3 КелТ	4 ЎтД	Жами	%
1.	НК ⁶	10/10	7/10	6/10	0/10	23/40	57
2.	ФФ	8/10	5/10	6/10	0/10	19/40	45
3.	МО	9/10	7/10	4/10	0/10	20/40	50
	Жами	27/30	19/30	16/30	0/30	62/120	51
	%	90	63	53	0	52	

Изоҳ: ҲозД – феълнинг ҳозирги замон давом шакли, ЎтТ – феълнинг ўтган замон тугалланган шакли, КелТ – феълнинг келаси замон тугалланган шакли, ЎтД – феълнинг ўтган замон давом шакли.

Жадвалдан кўринадики, аграмматик иштирокчилар ҳозирги замон давом шаклидаги феълларни яхши айта олганлар. Феълнинг ўтган замон тугалланган шакли ва келаси замон тугалланган шакллари айтишда бири-бирига яқин ўртача натижа кўрсатганлар. Ўтган замон давом шаклидаги феълни бирор марта ҳам тўғри ифода қилмаганлар. Тажриба натижалари О.Драгой ва Р.Бастиансилар илгари сурган гипотезани қисман тасдиқлади: ўзбек тилида сўзлашувчи аграмматик афазияга чалинган кишилар ўтган замон давом феълни умуман айта олмадилар, аммо феълнинг тугалланган шакли борасида ўтган замон ва келаси замонда 50% дан ошиқ тўғри натижа кўрсатишди. Айни ўринда тажриба давомида иштирокчилар йўл қўйган хатоларни таҳлил қилиш масаласига оидлик киритади.

⁶ НК, ФФ, МО – беморлар исм-фамилиясининг бош ҳарфлари. Бемор нутқидан олинган мисолларни ҳужжатлаштириш ҳамда бемор ҳақидаги шахсий маълумотларни сир сақлаш учун шундай йўл тутилди.

Тест давомида аграмматик иштирокчилар мўжалдаги шакли умуман айта олмаганлар, феълнинг ўзаги айтилган ва кўмакчи феъл сўз қўшимасида асосий феъл тушириб қолдирилиб, фақат кўмакчи феъл айтилган ҳолатлар кузатилади. Хатолар фоизи умумий тестга нисбатан 58 фоиз бўлган бўлса, шунинг 50 фоизини феълнинг мўжалдаги шаклини бошқа шакл билан алмаштирилиш ҳолати ташкил этади. Тест давомида қуйидаги феъл шакллари айтилади: тест учун танланган ҳозирги замон давом шакли, ўтган замон тугалланган шакл ва келаси замон тугалланган шаклларида ташқари ҳозирги-келаси замон шакли, яқин ўтган замон шакли, келаси замон мақсад шакли ва ҳаракат номи шакллари. Бу шаклларнинг айримлари ўз ўрнида тўғри қўлланган бўлса, қолганлари хато тарзда бошқа шакл ўрнида айтилган. Мазкур хатолар иккинчи жадвалда акс эттирилади.

2-жадвал. Аграмматик иштирокчилар йўл қўйган алмаштиришлар.

#	Мўжалдаги шакл	Алماштирилган шакл						
		ҲозД	ЎтТ	ҲозК	Ўт	КелМ	ҲН	Жами
1	Ҳозирги замон давом			1	1	1		3
2	Ўтган замон тугалланган	6			1			7
3	Келаси замон тугалланган	5	5	2				12
4	Ўтган замон давом	19	2	4	2	1	1	29
	Жами	30	7	7	4	2	1	51

Изоҳ: ҲозД – феълнинг ҳозирги замон давом шакли, ЎтТ – феълнинг ўтган замон тугалланган шакли, ҲозК – ҳозирги-келаси замон шакли, Ўт – ўтган замон, КелМ – феълнинг келаси замон мақсад шакли, ҲН – ҳаракат номи, ЎтД – феълнинг ўтган замон давом шакли.

Жадвалдан аграмматик иштирокчиларнинг энг кўп ҳозирги замон давом шаклини бошқа шакл ўрнига қўллагани кўринади. Масалан, синовчи: "Кеча бу йигит қогозни йиртаётганди. Кеча бу йигит қогозни..."; иштирокчи: "... елимлаяпти"; синовчи: "Эртага эрталаб бу қиз кийимни дазмоллаб бўлади. Эртага эрталаб бу қиз кийимни..."; иштирокчи: "... тахлаяпти". Бу алмаштиришнинг энг кўпи феълнинг ўтган замон давом шаклига тўғри келади.

Қолган 7 фоиз хато феълнинг тугалланган шакли билан боғлиқ, бунда иштирокчилар, асосан, етакчи феълни тушириб қолдириб, кўмакчи феълни тўғри айта олганлар, шунингдек, феълнинг ўзагини айтиш билан чекланганлар.

Тажриба натижалари таҳлили. Тажрибамиз ўзбек тилидаги аграмматик афазияда феълнинг замони ва ҳаракатнинг бажарилиш ҳолатининг бири-бирига мантқан мос ва зид келган ҳолатларни текширишга қаратилган эди. О.Драгой ва Р.Бастиансиларнинг фикрига кўра, афазияга чалинган кишиларда бундай комбинацияларни ифода қилишда имкониятлар етарли бўлмагани учун улар тугалланган шакллари ўтган замон билан, тугалланмаган шакллари ҳозирги, келаси замонлар билан боғлашади. Мазкур гипотеза биз ўтказган тест натижаларига кўра қисман ўз тасдигини топди: феълнинг ҳозирги замон давом шакли 90 фоиз тўғри ифода қилинган бўлса, феълнинг ўтган замон давом шакли аграмматик иштирокчилар томонидан бирор марта ҳам тўғри айтилмади. Мазкур шартда аграмматик иштирокчилар йўл қўйган хатоларнинг аксарияти ушбу шакли ҳозирги замон давом феъли билан алмаштириш бўлган.

Ҳозирги замон давом шакли бошқа ҳолатларда ҳам хато сифатида айтилган. Феълнинг ўтган замон тугалланган шакли айтилиши керак бўлган ҳолатда 6 марта, келаси замон тугалланган шакли айтилиши керак бўлган ҳолатда 5 марта ҳозирги замон тугалланган шакл айтилган.

О.Драгой ва Р.Бастиянси таклиф этган гипотезага кўра, аграмматик иштирокчилар ўтган замон тугалланган шаклини феълнинг келаси замон тугалланган шаклига нисбатан яхшироқ айта олишлари керак эди. Умумий ҳисобда феълнинг ўтган замон тугалланган шакли 19 марта тўғри айтилган ва феълнинг келаси замон тугалланган шакли 16 марта тўғри айтилган. Ўртадаги фарқ кичик бўлгани учун биз иккала шаклда йўл қўйилган хатоларга диққат қаратамиз. Юқорида айтиб ўтганимиздек, иккала шаклда ҳам кўпроқ феълнинг ҳозирги замон давом шакли хато айтилган. Бу ҳолат бошқа тилларда ўтказилган тадқиқотларда ҳам кузатишган. Одатда, афазияга чалинган кишилар феъл замонларидан ҳозирги замон давом шаклини яхшироқ қўллай оладилар, шунинг учун улар бошқа шакллари мослаб айта олмаганларида шу шаклини қўллаганлар. Бундан ташқари ўтган замон тугалланган шакл яқин ўтган замон шакли билан алмаштирилган, келаси замон тугалланган шакл эса 5 маротаба ўтган замон тугалланган шакл билан, икки марта ҳозирги-келаси замон шакли билан алмаштирилган. Келаси замон тугалланган шаклининг ўтган замон тугалланган шакл билан алмаштирилиши ва тесқари ҳолатнинг кузатилмаганлиги биз текшираётган гипотезани тасдиқлайди: аграмматик афазияга чалинганлар учун ҳаракатнинг бажарилиш ҳолати ва замон мантиқан бир-бирига зид бўлмаганда бу икки тушунчани бирга акс эттирадиган лингвистик воситаларни (масалан, кўмакчи феълли сўз қўшилмасини) ифодалаш осон.

Хулоса қилиб айтганда, ўзбек тилидаги аграмматик афазияда замоннинг ва ҳаракат бажарилиш ҳолатининг ифодаланиши бошқа бир қатор тилларда кузатишган ҳолатлар билан ўхшашдир. Ушбу масалани ёритишда дастлабки вазифа мазкур гипотезани ўзбек тили мисолида текшириш бўлиб, у маълум маънода амалга оширилди. Навбатдаги вазифа эса ўзбек тилидаги аграмматик афазияда ҳаракат бажарилиш ҳолати ҳамда замонни бирга акс эттирадиган барча лисоний воситаларнинг ифодаланишини таҳлил қилишдир.

РЕЗЮМЕ. Мақолада ўзбек тилидаги айрим феъл замонларининг ифодаланиши бўйича афазияга чалинган кишилар билан ўтказилган тажриба натижалари таҳлили ёритилди. Афазияга чалинганлар учун феълнинг замони ва ҳаракатнинг бажарилиш тарзини биргалликда ифодалайдиган лисоний воситаларни айтишда бу икки тушунчанинг мантиқан бир-бирига мослиги муҳим омил ҳисобланади.

РЕЗЮМЕ. В статье освещается анализ результатов эксперимента по воспроизведению некоторых форм глагола в афазии. Для лиц с афазией логическая совместимость аспекта и времени действия является основным фактором в воспроизведении глаголов.

REZUME. The article is devoted to the description of analysis of the experiment results on production of some verb forms in Uzbek agammatic aphasia. The main factor in production of tense and aspect combination for agrammatic speakers is logical compatibility of tense and aspect.

Таянч сўз ва иборалар: афазия, феъл, замон, давомий ҳаракат, тугалланган ҳаракат, ўтган замон, ҳозирги замон, келаси замон.

Ключевые слова и выражения: афазия, глагол, время, несовершенный вид, совершенный вид, прошедшее время, настоящее время, будущее время.

Key words and word expressions: aphasia, verb, tense, imperfective, perfective, past tense, present tense, future tense.